

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 19 сентябрь куни Оқсаройда “Сасол” компанияси (Жанубий Африка Республикаси) бош ижрочи директори Дэвид Констебл ва “Петронас” корпорацияси (Малайзия) президенти Дато Шамсул Азхар Аббосни қабул қилди.



Давлатимиз раҳбари меҳмонларни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, Ўзбекистонда “Сасол” ва “Петронас”га ишончли шериклар сифатида қаралишини ҳамда ушбу компаниялар билан ҳамкорлик юксак қадрлигини таъкидлади.

Ушбу лойиҳа МДХ ва Европада ягона бўлиб, юқори технология ва инновациялар асосида экологик тоза синтетик суюқ ёнилғи, аввало, Евро-V,

Евро-V стандартларига мос дизель ёқилғиси ва авиакеросин ишлаб чиқарадиган корхона ташкил этишни назарда тутди.

Хамкорликда тузилган “Ўзбекистон GTL” қўшма корхонаси айна пайтда асосий лойиҳалаш фазасини якунига етказди ва унинг негизда дастлабки техник-иқтисодий асослар ишлаб чиқилди.

Оқсаройдаги учрашувда меҳмонлар самимий қабул учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдириб, ҳамкорликни янада

КОНЦЕПЦИЯ: устувор вазифалар

Мамлакатимизда истиқлол йилларида мустақил суд-ҳуқуқ тизимини яратиш, унинг қонунчилик асосларини мустаҳкамлаш, суд ҳокимиятини босқичма-босқич мустаҳкамлаб бориш ҳамда уни фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли муҳофаза этишга хизмат қиладиган том маънодаги мустақил давлат институтига айлантиришга қаратилган кенг қўламли ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар амалга оширилди.

МАЪМУРИЙ ҚОНУНЧИЛИКНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

суд-ҳуқуқ ислохотларини чуқурлаштиришнинг муҳим шартидир

Маълумки, ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг бугунги босқичида мазкур йўналишдаги ислохотларни янада чуқурлаштириш ва маъмурий қонунчиликни тубдан қайта қўриб чиқишни даврнинг ўзи тақозо этмоқда. Ушбу заруратдан келиб чиқиб, давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексини хар томонлама қайта ишлаш ва янги тахрирда қабул қилиш зарурлиги алоҳида таъкидлаб ўтилган.

Унинг янги тахрири суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш муносабати билан маъмурий қонунчилик ва жиноий-ҳуқуқий сиёсатда юз берган катта миқёсдаги принципиал ўзгаришларни ўзида тизимли ва кенг қўламли тарзда акс эттириши лозим.

Юртбошимиз таъбири билан айтганда: “бунда, авваламбор, жиноят қонунчилигини тобора либераллаштириш, яъни айрим қонунбузарлик ҳолатларини жиноий юрисдикциядан маъмурий юрисдикцияга ўтказишни кўзда тутиш зарур. Кодекснинг янги тахрирда қабул қилиниши бугунги кунда ўнлаб норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ўз аксини топган маъмурий жавобгарликка оид қонунчиликнинг унификациялашувини, яъни бир хиллашувини таъминлайди”.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексини қабул қилинган бўлиб, ўтган давр мобайнида унга 60 мартадан ортқ турли ўзгариш ва қўшимчалар киритилди.

(Ў.А.) Сарвар ҲАМИДОВ олган суратлар.

Мамлакатимизга ташриф буюрган Польша Республикаси Олий суди биринчи раиси Станислав Збигнев Дабровски раҳбарлигидаги делегация аъзолари 19 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси Бўришо Мустафоев билан учрашди.

ОЛИЙ СУДДА УЧРАШУВ

Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Польша ўртасидаги ҳамкорлик барча соҳалар қатори суд-ҳуқуқ тизимида ҳам изчил ривожланиб бораётгани, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қиладигани алоҳида таъкидланди.

Президентимиз Ислам Каримовнинг 2005 йил август ойида “Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида”ги ва “Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида”ги фармонларнинг эълон қилиниши ҳамда 2008 йил 1 январдан қўлга киргани жаҳон ҳамжамияти томонидан юксак баҳолангани қайд этилди.

Дзюдочиларимиз Жаҳон кубоги ғолиби

Тошкентдаги “Ўзбекистон” спорт-соғломлаштириш мажмуасида дзюдо бўйича эркалар ва хотин-қизлар ўртасида Жаҳон кубоги мусобақалари бўлиб ўтди.

Маълумки, Халқаро дзюдо федерацияси тақвимидан жой олган мазкур нуфузли турнирда спортчилар совинли ўринлар ҳамда 2012 йили Лондонда бўладиган XXX ёзги Олимпиада ўйинларида қатнашиш ҳуқуқини берадиган рейтинг очколари учун баҳс олиб боришди.

Ушбу турнирда юртимиз шарафини химоя қилган дзюдочиларимиз учта олтин, учта кумуш ва тўртта бронза, жами ўнта медал жамғариб, умумжамоа ҳисобида биринчи ўрин

ни қўлга киритишди. Мусобақанинг дастлабки куни ташкил этилган баҳсларда Мирали Шарипов олтин медал соҳиби бўлди. Иккинчи кунги беллашувларда эса Дилшод Чориев ва Рамзиддин Саидов ўз вазн тоифаларида барча рақибларидан устун келишди.

Фахр

(Давоми 4-бетда).

(Давоми 2-бетда).

Хоразм вилояти: ИЗЛАНИШ, ИНТИЛИШ, САМАРА

Дилларимизга чексиз гурур ва улкан сурур бахш этган давлатимиз мустақиллигининг кутулғ 20 ёши асрларга татиғулик янгилигини ҳамда ўзгаришлар тизимли бўлиб бир умр ёдимизда қолажак. Зеро, тарих олдида қисқа, кўз очиб юмгунчалик ўтган даврда Юртбошимиз раҳнамолигида Ватанимизни обод, халқимиз турмушини фаровон этиш, фарзандларимизнинг нурили истиқболлини таъминлаш борасида улғувор ишлар амалга оширилдики, уларни санаб адоғига етиш қийин. Чинакам фидойилик, гайрат-шижоат туфайли барча соҳаларда ўсиш, тараққиёт кўзга ташланди.

Бугун бундай беқийс ислохотлар самараси мамлакатимизнинг барча гўшасида бўлганидек, Хоразм воҳасида ҳам яққол намойён бўлаётир.

Янгиланиш босқичлари

Президентимиз ташаббуси ва тақлифи асосида барпо этилган Урганчнинг марказий майдонини, ҳеч муболағасиз, мустақиллик рамзи, деб аташ мумкин. Айни дамда муҳташам, кенг, ораста ва кўркам бу майдон ажодларимиз ақл-заковати, бугунги замондошларимиз салоҳияти ҳамда келажақ қатнайдигани ҳам хоразмликларни

эл-юрт тараққиёти йўлида эзгу ишларга ундамоқда. Ҳазорасп тумани худудидаги Амурдарё устида бунёд этилган “Тошсақ” темир йўл ва автомобиль кўприги ҳам истиқлолнинг бу улкан иншоот курилишига қарийб 35 миллиард сўм маблағ сарфланди. 681 метрлик ушбу маҳобатли кўприқдан ҳар куни ўнлаб поезд, бир неча минг автомобиль қатнайдигани ҳам хоразмликларни

ганч — Беруний” йўналишида Амурдарё устида узунлиги 635 метрлик яна бир янги кўприк барпо этилаётгани ҳам хоразмликлар учун Мустақиллик тўғрисида. Мазкур кўприк ишга тушган, Хоразм воҳаси янада гуллаб-яшнаши, иқтисодий янги босқичга кўтарилиши, шубҳасиз.

Истиқлолнинг 20 йиллиги муносабати билан Урганч шаҳри маркази, хусусан, Ал-Хоразмий шожўчаси тубдан реконструкция қилинди. Бу кўчада 13 та кўп қаватли уй қад рост-

лади. Урганч халқаро аэропортига бўлган худуд тўлиқ қайта таъмирдан чиқарилди. Шунингдек, Урганч олимпия захиралари коллежининг ёпиқ ва очик сув ҳавзалари мукамал таъмирланиб, унинг ёнида Бокс маркази бунёд этилди. Учта ичма меҳмонхона, фаворалар сайқал бериб турган мўъжаз хиёбон ҳам барпо қилинди. Амир Темури номидаги маданият ва истироҳат боғи худудида “Ёшлар қўли” дам олиш маскани, Фафур Фулом номли кўчада ёпиқ сув ҳавзаси, унга туташ “Баркамол авлод маркази” биноси, жанубий қисмида “Болалар боғи”нинг барпо этилиши эса вилоят аҳлининг қувончига қувонч қўшди.

Эътиборлиси, мазкур иншоотлар воҳа чиройига чирой қўшиши баробарида, аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтиришда ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

Шижоатли одимлар

Мамлакатимизда изчил олиб борилаётган иқтисодий ислохотларнинг мазмун-моҳияти соҳанинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, ишлаб чиқариш ва бозор инфратузилмасини яхшилаш, хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш ҳамда кичик бизнес субъектларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Бундай ўзгаришлар Хоразм вилояти иқтисодиётида ҳам кузатилмоқда. Биргина саноат соҳасини олиб кўрадиган бўлсак, 2000 йилда вилоятда 582 та саноат корхонаси фаолият юритган бўлса, бугунги кунга келиб улар сони 1600 тадан ортди. Агар 1991 йилгача вилоятда пахта толаси, асосан, хом ашё сифатида экспорт қилинган бўлса,

(Давоми 2-бетда).

ТОБОРА МУСТАҲКАМЛАНАЁТГАН ҲАМКОРЛИК

Пойтахтимиздаги Миллий санъат марказида Озарбойжон Республикаси давлат мустақиллигининг 20 йиллигига бағишланган маданий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

“Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми” жамғармаси, Озарбойжон Республикасининг мамлакатимиздаги элчихонаси ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирга турли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари, халқаро ташкилотлар ва дипломатик корпус вакиллари тақлиф этилди.

Озарбойжон Республикасининг мамлакатимиздаги Фавкуллода ва мухтор элчиси Намиг Аббосов, Ўзбекистон Миллий санъат маркази директори Эльмира Аҳмедова ва бошқалар истиқлол йилларида Ўзбекистон билан Озарбойжон ўртасидаги ҳамкорлик янги тараққиёт босқичига кирганини таъкидлади.

Тадбир

(Давоми 2-бетда).

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитасининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда “Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида”ги ва “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуналарини Бухоро ва Навоий вилоятларидаги ижросини назорат-таҳлил тартибида ўрганиш якунига қўриб чиқилди. Ўрганиш давомида ахборот соҳасига бозор механизмларини жорий этиш, ОАВнинг иқтисодий мустақиллигини таъминлаш асосий омил сифатида белгилаб олинди.

АХБОРОТ ОЛИШ ЭРКИНЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ

соҳага бозор муносабатларини изчил жорий этишга узвий боғлиқдир

Маълумки, фуқароларнинг ахборот соҳасидаги ҳуқуқ ва эркинликларини рўйга чиқариш, оммавий ахборот воситаларида юртимизнинг барча соҳаларида юз бераётган улкан ўзгаришлар, олиб борилаётган изчил ислохотларни кенг ва фаол тарғиб этиш учун уларни зарур маълумотлар билан таъминлашда давлат бошқаруви органлари ҳамда маҳаллий ҳокимликларнинг ахборот хизматлари муҳим ўрин тутади. Бу борада мамлакатда демократик талаб ва стандартларга тўла мос келаётган мустақкам қонунчилик базаси яратилган.

Мазкур қонуналарнинг Бухоро ва Навоий вилоятларидаги ижросини назорат-таҳлил тартибида ўрганишдан асосий мақсад ҳам фуқароларнинг ахборот олиш, ахборотини ва ўз фикрини тарқатиш ҳуқуқи ҳамда эркинлигини таъминлаш, аҳолининг сиёсий фаолиги ва мамлакатимиз сиёсий-ижтимоий ҳаётидаги амалий иштирокини ошириш, бу борадаги ҳуқуқий асосларни янада такомиллаштириш борасида аниқ тақлифларни ишлаб чиқишдан иборат эди.

Ушбу масала Бухоро ва Навоий вилоятларидаги бир қатор давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари ҳамда маҳаллий ҳокимликлар тизимида атрофича ўрганиб чиқилди. Таҳлил-

лар шунни кўрсатдики, бир қатор идора ва ташкилотларда ахборот хизмати фаолияти талаб даражасида йўлга қўйилган. Улар томонидан қонун ҳужжатлари ва тегишли материаллар веб-сайтларга joyлаштирилмоқда ҳамда оммавий ахборот воситалари орқали тарқатиб боришмоқда. Муҳими, ушбу идоралар фаолиятида ошқоралик ва ошқоралик, ахборотдан ҳамма эркин фойдаланиши мумкинлиги сингари таъминланаяпти.

Йиғилишда нодавлат оммавий ахборот воситаларининг бугунги ҳолати ва ривожланиш истикболлари, соҳада бозор механизмларини жорий этиш, юртимизда амалга оширилаётган ички ва ташқи сиёсатни, мамлакатимизда ва хорижда содир бўлаётган воқеаларни тезкор ҳамда ҳолис ёритишда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан ОАВнинг ўзаро ҳамкорлиги аҳамияти, нодавлат ОАВнинг меъёрий-ҳуқуқий базасини янада такомиллаштириш каби масалалар ҳам атрофича муҳокама қилинди.

Бугунги кунда Бухоро вилоятида 14 та, Навоий вилоятида эса 13 та нодавлат оммавий ахборот воситаси самарали фаолият олиб бораётгани соҳага бозор муносабатлари-

ни таъбиқ этиш, босма ва электрон матбуот воситаларининг иқтисодий мустақиллиги, молиявий барқарорлигини таъминлаш, журналистларнинг моддий фаровонлигини оширишнинг муҳим омил бўлмоқда.

Шу билан бирга, Бухоро ҳамда Навоий вилоятларидаги давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, маҳаллий ҳокимликлар ахборот хизматлари учун барча зарур шарт-ша-

таъсис этиш, медиабизнесда менежмент ва маркетинг масалалари, таҳририятларнинг молиявий ҳамда иқтисодий мустақиллигини таъминлаш, журналистларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш юзасидан аниқ тақлифлар ўртага ташланди.

Кенгайтирилган йиғилишда мазкур масала юзасидан республика миқёсидаги ҳамда Бухоро ва Навоий вилоятларидаги бир қатор давлат

бошқаруви органлари фаолиятини оммавий ахборот воситалари орқали мунтазам равишда ёритиб бориш, улар ишининг очиқлиги ва шаффоқлигини таъминлаш, фуқароларнинг мамлакатда амалга оширилаётган ислохотлар, олиб борилаётган ташқи ва ички сиёсат ҳамда хабардорлигини ошириш зарур.

Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясининг қўйи палатадаги фракцияси аъзоси Шухрат Деҳқоновнинг фикрича, оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш бўйича давлат сиёсатининг асосларини шакллантиришга қаратилган чора-тадбирлар бугунги ва эртанги кун учун нақадар ҳаётий аҳамиятга эга эканига эътибор қаратиш лозим. Албатта, бу ғояни амалга оширишда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти ҳақидаги ҳаққоний, ҳолис ва тезкор ахборотларни кенг жамоатчиликка етказишни тизимли равишда йўлга қўйиш, ахборот хизматлари билан оммавий ахборот воситалари ўртасидаги ҳамкорликни мустақкамлаш мамлакатимизда шаклланган миллий ахборот маконини янада тарққий эттириш, миллий журналистик мактабни ривожлантиришнинг муҳим омилдир.

Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партиясининг қўйи палатадаги фракцияси аъзоси Раъно Гаймованинг таъкидлашича, оммавий ахборот воситаларининг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоатчилик ва парламент назоратини таъминлаш, ҳокимият ва жамоатчилик ўртасида мустақкам алоқа ўрнатиш борасидаги ҳам яққол намоён бўлаётган қаратилган самарали ҳуқуқий механизмлари яратиш лозим.

Кенгайтирилган йиғилишда муҳокама этилган масалалар юзасидан қўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

Қобил ХИДИРОВ.

роитларни яратиб бериши, ўз фаолияти билан жамоатчилик ва аҳолини мунтазам равишда таништириб бориш самарадорлигини ошириши аниқ мўлдатдир. Хусусан, интернет тармоғидagi веб-сайтлар ишини янада такомиллаштириш, фуқаро-

Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади

ларга қонуний манфаатларига дахлдор бўлган ахборотлар билан танишиб чиқиш хизмат тўлиқ яратиб бериш, ахборот хавфсизлигини таъминлаш ҳам ўз ечимини кутиб турган масалалардан.

Йиғилишда соҳага бозор механизмларини жорий этишни жадаллаштириш, бу йўналишда яратиб берилаётган ташкилий-ҳуқуқий асослардан умумий фойдаланиш даркорлиги алоҳида таъкидланди. Жумладан, нодавлат оммавий ахборот воситаларининг тобора кенгайиб бораётган тармоғи фаолиятининг, муаллифлик ҳуқуқи ва интеллектуал мулк ҳимоясининг, шунингдек, ахборот соҳасига бозор механизмларини жорий этишнинг норматив-ҳуқуқий базасини такомиллаштириш орқали оммавий ахборот воситаларининг моддий-техник базасини янада мустақкамлаш борасида ҳам мулоҳазалар билдирилди. Хусусан, оммавий ахборот воситаларини

бошқаруви органлари ҳамда маҳаллий ҳокимликлар мутасаддиларининг ахборотлари эшитилиб, уларга мавжуд камчиликларни бартараф этиш юзасидан тегишли тавсиялар берилади.

Ушбу масалалар бўйича сиёсий партиялар фракциялари аъзолари ҳам ўз дастурлари мазмун-моҳиятидан келиб чиқиб, фикр-мулоҳазалари ва амалий тақлифларини баён этишди.

— Оммавий ахборот воситалари соҳасига бозор механизмларини яратиб бериш, ахборот хавфсизлигини таъминлаш ҳам ўз ечимини кутиб турган масалалардан.

— Оммавий ахборот воситаларининг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоатчилик ва парламент назоратини таъминлаш, ҳокимият ва жамоатчилик ўртасида мустақкам алоқа ўрнатиш борасидаги ҳам яққол намоён бўлаётган қаратилган самарали ҳуқуқий механизмлари яратиш лозим.

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг қўйи палатадаги фракцияси аъзоси Хализа Каримованинг қайд этишича, давлат ҳокимияти ва

ТОБОРА МУСТАҚКАМЛАНАЁТГАН ҲАМКОРЛИК

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар бунда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Икки халқнинг дўстона муносабатлари барча жабҳаларда, жумладан, маданий-маърифий йўналишда ҳам изчил ривожланмоқда. Озарбойжонда ўзбек киноси кунлари, санъаткорларимизнинг концертлари, мусаввирларимизнинг асарлари кўргазмаси ўтказилди. Озарбойжон санъат намояндalари юртимизда ўтказилаётган «Шарқ тароналари» фестивали, халқаро бадий ва фотобиеналлар, кино анжуманларида, санъат ҳафталикларида фаол иштирок этмоқда.

Назокат УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири.

ОЛИЙ СУДАДА УЧРАШУВ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

— Ташриф асосида юртимизда қўллаб соҳалар қатори суд-ҳуқуқ тизимини эркинлаштириш ва демократлаштириш, одил судловни амалга ошириш ва адолатни қарор топтириш борасида изчиллик билан олиб борилаётган ислохотларнинг юксак самаралари билан танишиш имконига эга бўлди, — деди Станислав Збигнев Дабровски. — Шунини алоҳида таъкидлашни истардимки, Ўзбекистон ва Польша суд ти-

зимлари фаолиятидаги айрим фарқларга қарамай, асосий мақсадимиз битта — халқ манфаатларига, ўз Ватанимизга хизмат қилишдан иборат. Марказий Осие минтақасида муҳим стратегик аҳамиятга эга Ўзбекистоннинг келажаги буюқ эканига ишончим комил.

Музокарада икки мамлакат суд-ҳуқуқ идоралари ўртасидаги ҳамкорликнинг бугунги аҳоли ва иштирокчи, мазкур соҳадаги алоқаларни янада кенгайтириш ва мустақкамлаш ҳамда таҳриба алмашини

ривожлантиришга оид масалалар муҳокама қилинди. Шу кунги польшалик меҳмонлар Мустақиллик майдонида бўлиб, бу ерда давлатимиз раҳбари Ислам Каримов раҳнамолигида амалга оширилган улкан бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан танишди, хурраятимиз, порлоқ истиколигимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзуглик монументи пойга гул қўйди. Темирийлар тарихи давлат музейига ташриф буюриб, Амир Темиров ва темирийлар ҳақида ҳикоя қилувчи ранг-баранг экспонатларни кўздан кечирди.

(ЎЗА).



(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

уйларда яшовчилар ислохотлар самарасини ўз ҳаётларида кўрмоқдалар.

2009 йилда бошланган мазкур хайрли ташаббус туфайли дастлаб 60 та хонадон аҳли ана шундай эзугликдан баҳраманд бўлди. Улар шу йили янги уй-жойларида ҳовли тўйини нишонлашди. 2010 йилда эса бунёдкорлик қўлами янада кенгайиб, вилоятнинг 10 та туманидаги 11 кишлоқда 530 та ана шундай намунавий уй барпо этилди. Ўз навбатида, мазкур массивларда 14,5 километрик газ, 31,2 километрик ичимлик суви, 13,3 километрик электр тармоқлари тортилди, 10 километр узунликдаги ички ва

сўнгги русумдаги тиббий асбоб-ускуналар билан таъминланди, илғор технологиялар ўрнатилди.

Ўтган даврда Хоразмда вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази, болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази, шаҳар ва туман тиббиёт бирлашмалари фаолияти йўлга қўйилди. Ҳозир ҳудуддаги 202 та даволаш-профилактика муассасаси 1,5 миллион нафардан зиёд аҳолига намунавий тиббий хизмат кўрсатиб келмоқда.

Хусусан, Урганч шаҳрида 160 ўринли Шошлинч тиббий ёрдам илмий маркази ташкил этилиши воҳа аҳли учун чинакам тухфа бўлди. Ҳар бир туманда мазкур марказнинг филиали фаолияти

андозалари даражасидаги тиббий хизмат тизимини шакллантиришнинг яққол тасдиғидир. Жорий йил бошида мазкур марказ жарроҳлик бўлимининг янги биноси ҳам ишга туширилди.

Воҳа кишлоқларида истиқомат қилаётган аҳоли бундай ислохотлар самарасидан тўлиқ баҳраманд. Ушбу мақсадларда фаолият юритаётган 170 та ҚВП эл хизматиди. “Саломатлик-1” ва “Саломатлик-2” лойиҳалари доирасида 6 миллиард 110 миллион сўмлик замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан таъминланган мазкур ҚВПларда турли касалликларга тез ва аниқ ташхис қўйиш ҳамда уларни самарали даволаш имкониятлари мав-

дан биридир. Шу боис ёш авлоднинг илмли, маърифатли ва jisмонан етук қилиб камол топтиришга қаратилган бир қатор давлат дастурлари қабул қилиниб, уларнинг ижроси изчил амалга оширилмоқда. Ушбу дастурларга асосан, замонавий мактаблар, коллеж ва лицейлар ҳамда олий таълим даргоҳлари бунёд этилиб, уларда ёш авлоднинг билим ва касб-хунар эгаллаши учун барча шарт-шароит муҳайё қилинмоқда. Хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 9 июлдаги “2004 — 2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори асо-



(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Хоразм вилояти:

ИЗЛАНИШ, ИНТИЛИШ, САМАРА

ташқи йўл фойдаланишга топширилди.

Жорий йилга келиб, вилоятнинг 25 та кишлоқ ҳудудиди 570 та уй-жой қурилиши ниҳоясига етказилмоқда. Истиклолнинг 20 йиллик тانتаналари кенг нишонланган қунларда мазкур тураржойларнинг бир қисми ўз эгаларига топширилди. Қувонарлиси, воҳа аҳлининг турмуш фаровонлигини оширишга қаратилган бундай ислохотлар ҳар бир жабҳада кўзга ташланади. Жумладан, биргина Бандлик дастурига асосан, 2008 йилда 37110 та янги иш ўрни яратилганди. 2010 йилга келиб бу кўрсаткич қарийб бир ярим баробарга ошиб, 59423 тани ташкил этди. Жорий йилда эса воҳада 59575 нафар кишининг иш билан бандлигини таъминлаш кўзда тутилган бўлиб, йил бошидан бун қарийб 40 минг киши доимий даромад манбаига эга бўлди.

Саломатлик – бебаҳо бойлик

Қайд этиш жоизки, Истиклол йилларида мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларда аҳоли саломатлигини мустақкамлаш устувор вазифалардан бирига айланди. Пировардиди жойларда замон талабларига мос барпо этилган шифо масканлари энг

йўлга қўйилгач, аҳолига тез тиббий хизмат кўрсатиш қамрови янада кенгайди. Шунингдек, вилоят туғуруқ мажмуаси реконструкция қилиниб, замонавий тиббий ташхис ускуналари билан жиҳозланди. Эндликда бу мажмуа Перинатал марказ сифатида фаолият кўрсатмоқда. Республика ихтисослаштирилган Урология марказининг Урганч филиали ташкил этилганлиги ва бу ерда беморлар учун янги сунъий буйрак аппарати қўлланаётганлиги ҳам вилоятда жаҳон

Баркамол ёшлар — келажагимиз таянчи

Мамлакатимизда ёшлар тарбияси, хусусан, уларни баркамол шахслар этиб воғая етказиш алоҳида аҳамият берилаётган масалалар-



Шомурот ШАРАПОВ ва Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

Бозорнинг ҳафта давомидаги динамикаси

ЎзРТХБ котировкалари *сўм/кг*

СЎМ/КГ	СУЮЛТИРИЛГАН ГАЗ	СЎМ/КГ	ЦЕМЕНТ	СЎМ/КГ	УН БИРИНЧИ НАВ	СЎМ/КГ	ОМИХТА ЕМ
2291,4	2291,4	281,9	281,9	506,0	506,0	326,1	326,1
▼ -204,8	▼ -204,8	▲ +2,6	▲ +2,6	▼ -6,2	▼ -6,2	▼ -15,6	▼ -15,6

Холбуки, қўзни қувнатиб, дилга гурур бағишловчи янгилашлар қўлами ҳар бир соҳада акс этиб турибди. Энг муҳими, воҳа аҳлининг кайфияти кўтаринки, бугундан мамнун, эртанги кунга бўлган ишончи мустақкам. Элулус шод экан, демак, мамлакатимиз обод бўлаверади, эзу ислохотлар эса бошқалар сингари хоразмликларни ҳам яратиш, яшатиш, элим деб, юртим деб ёниб яшашга даъват этаверади. Зеро, Юртбошимиз таъкидлаганларидек, Хоразм вилояти заминиди камол топан не-не алломалар, фозилу фузаларлар, мутафаккиру маърифатпарварлар Ватанимиз шон-шухратини бутун дунёга таратган. Буюқ аждодларимиз ал-Беруний, ал-Хоразмий ва бошқа улуғ инсонларнинг номи-ри бутун дунё халқлари учун мўътабар ва мўқаддасдир.

Мухтасар айтганда, Истиклол шарофатидан ифтихорга тўлган, меҳри куёш тафтидек иссиқ, қалби Амурдарёдек жўшқин, меҳнатқаш, гурури баланд, оққўнғил хоразмликлар бугун ҳар бир соҳада улкан ютуқларни қўлга киритиб, юрт равнақи учун ғайрату шижоатини аямий фидокорона меҳнат қилмоқда. Бу эса, албатта, қадимий Хоразм заминини янада нурафшонлик касб этиб, гуллаб-яшнашда мустақкам пойдевор бўлиши, шубҳасиз.

Ойбек РАҲИМОВ,
Фозилдин АБИЛОВ,
«Халқ сўзи» мухбирлари.

